



Ўзбекистонда инқироз ва тикланиш

COVID-19 нинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари

Ўзбекистон учун 2020 йилнинг бошланиши ижобий бўлди: меҳнат бозоридаги ҳолат бир йил олдинги ҳолатга нисбатан яхшиланишнинг аниқ белгиларини намойиш қила бошлади, аҳолининг даромади ўсди ва "Ўзбекистон фуқароларини тинглаш" (L2CU) сўровида қатнашганларнинг аксарияти мамлакатнинг иқтисодий келажагига ижобий баҳо беришди. Аммо апрелга келиб COVID-19 пандемияси миллионлаб одамларга салбий таъсир кўрсатган инқирозни келтириб чиқарди. Респондентларнинг ярмидан камии оилаларида камида бир киши карантин чоралари бошланганидан сўнг ишлашда давом этганлигини таъкидлаган. Бу ҳолат аҳоли фаровонлигининг асосий манбаи бўлган меҳнатдан оладиган даромадларининг кескин пасайишига олиб келди. Бундан ташқари, хорижга меҳнат миграцияси учун чиқиш ҳам кескин тўхтаганлиги боис, ўн минглаб оилалар, одатда таянадиган пул ўтказмаларидан маҳрум бўлишди. Меҳнат фаолиятидаги дастлабки узилишларнинг аксарияти вақтинчалик бўлган бўлса-да, уларнинг тикланиш сурати карантиндан олдинги кўрсаткичларга қараганда пастроқ бўлди, айниқса илгари ўзини-ўзи банд қилганлар. Апрель ойида бўш иш ўринлари тўғрисидаги онлайн эълонлар сони ўтган йилга нисбатан 54 фоиздан кўпроққа камайди ва декабр ойида 2019 йил ҳудди шу вақтдаги кўрсаткичга нисбатан 20 фоиздан камроқ даражада бўлди. Шу билан бирга, иш излаётганлар сони 18 фоиздан кўпроққа ошди. 2020 йилнинг ноябр ойида фуқароларнинг 90 фоиздан кўпроғи нархларнинг ўсишидан хавотирда бўлган бўлса, маҳалла раислари йил охирига келиб нархларнинг ноодатий тарзда юқори темпда ўсиши ҳақида кўпроқ хабар беришган. Шунга қарамасдан, сўровлар натижаларига кўра, 2020 йилнинг иккинчи ярмида аҳолининг руҳий саломатлиги ҳамда тиббий хизматдан фойдаланиш ҳолати (ва ундан қониқиш даражаси) яхшиланган. Сўровда қатнашган респондентларнинг кам қисми мамлакатдаги ислохотлар нотўғри амалга оширилаётганлигини таъкидлаган, ва деярли барча респондентлар мамлакат иқтисодий ривожланишининг истиқболларига оптимистик баҳо беришди.


Иқтисодий ҳолат



“Ўзбекистон фуқароларини тинглаш”

Аҳоли бандлиги даражаси ёз ойлари давомидаги дастлабки тезкор тикланишга қарамасдан аввалги ҳолатига қайтмади. Камида битта ишлайдиган оила аъзоси бўлган уй хўжалиklarининг улуши апрел ойида ўтган йилга нисбатан 40 фоиздан кўпроққа камайди, бу деярли 2,8 миллион уй хўжалиklarига тенг, июн ойига келиб эса 33 фоиз даражага етди. Аммо 2020 йилда бандлик тўлиқ тикланмади, декабр ойида 2019 йилдаги кўрсаткич даражасидан 6 фоиз кам даражада сақланиб қолди. "Яқинда ўз ишини йўқотгани ёки ишдан бўшагани" ҳақида маълум қилган респондентлар сони апрел ойида 19 фоизгача ошиб, бу кўрсаткич ҳам бутун йил давомида 2019 йил даражасидан юқориликча сақланиб қолди. Пандемия сабабли иш йўқотишларнинг сони йил охирида сезиларли даражада пасайган бўлса-да, ишсиз қолганликларини таъкидлаган шахслар сони апрелдаги тахминан 2 фоиздан декабрда 83 фоизгача ошди. 2021 йил январ ойида респондентларнинг 67 фоизи ўз ишидан айрилишидан хавотирда эканликларини билдиришган. Бу "ЎФТ" доирасидаги сўровда қайд этилган энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Бўш иш ўринлари тўғрисидаги онлайн эълонлар маълумотлари¹ шуни кўрсатмоқдаки, апрел ойидаги шундай эълонлар сонининг кескин пасайганидан сўнг, янги очилган вакансиялар 2020 йилда аввалги даражасига қайтмади. Апрель ва декабр ойлари давомида ўтган йилга нисбатан вакансиялар сезиларли камайган соҳалар сифатида туризм (-51%), гўзаллик салонлари, фитнес ва спорт (-43%), талабалар учун иш (-39%) котибалик ва маъмурий-хўжалик фаолиятини (-36%) кўрсатиш мумкин. Фақат тиббиёт ва қурилиш соҳалари бу йилни 2019 йил даражасидан юқори даража билан яқунлаган.




¹olx.uz маълумотлари муаллифнинг ҳисоб-китоблари



“Ўзбекистон фуқароларини тинглаш”

Соҳалар бўйича янги вакансияларнинг сони
(2019 йил кўрсаткичларини 2020 йил билан таққослаганда)



Маҳалла раислари 2020 йил охирига келиб ишсизлик билан боғлиқ хавотир кескин ошганлиги ҳақида хабар беришди. Маҳаллий даражадаги ишсизликни катта ёки ўта жиддий муаммо деб биладиган шахслар улуши 2020 йил августдаги 11 фоиздан 2021 йил январда 24 фоизга кўтарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 10 фоиздан кўпроқни ташкил этди. Бандликдаги узилишлар ва иш ўринларининг йўқотилиши асосан хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш тармоқларида, айниқса, норасмий бандлик соҳаларида кўпроқ учраган. Пандемия бошланганда маълумот берилган жамоатчилик ишларидаги узилишлар йил охирига келиб паст даражага тушиб кетди. Бундан ташқари, маҳалла раислари қишлоқ хўжалиги тармоғида бандликдаги узилишлар ёки иш йўқотишлар нисбатан кўп бўлмаганлигини таъкидлаган. Нисбатан ўзига тўқ маҳаллалар раислари (аҳоли жон бошига даромадлари ва истеъмол ҳажми бўйича) доимий равишда COVID-19 нинг иқтисодий таъсири билан боғлиқ юқори даражада хавотир билдирганлар. Бунга, эҳтимол, қишлоқ жойлардаги меҳнат бозорларида, ва айниқса қишлоқ хўжалигида, рўйхатга олинган бандликдаги узилишларнинг нисбатан паст даражада бўлганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Узоқ муддатга ишдан айрилиш ўзини-ўзи банд қилганлар орасида кўп учрайди. Ўзини-ўзи банд қилганлигини таъкидлаган шахсларнинг сони апрел ойида 67 фоизга камайди ва декабрда ўтган йилга нисбатан 20 фоизга камлигича қолди. Йилнинг катта қисми давомида шаҳарларда қишлоқларга қараганда ўзини-ўзи банд қилганлар сони тезроқ пасайди, аммо декабр ойига келиб ушбу кўрсаткичлар тенглашди. Бундан фарqli ўлароқ, апрел ойида 25 фоиздан кўпроққа пасайганига қарамай, ҳақ тўланадиган иш билан банд бўлганлар сони июн ойига қадар тўлиқ тикланди ва йил охиригача барқарорлигича сақланиб қолди. 2020 йил давомида “ҳозир иш топиш ёки бизнесни бошлаш учун яхши вақт эмас” лигини айтган респондентларнинг улуши жуда юқори даражадалигича сақланиб қолди.





Саволлар ёки шарҳлар билан Уильям Зейтца
муурожаат қилшингиз мумкин:

wseitz@worldbank.org

“Ўзбекистон фуқароларини тинглаш”

Молиявий фаровонлик

2021 йил январ ойида нархларнинг кўтарилишидан хавотирланиш, 93 фоиздан ошиб, (ўтган йилга нисбатан 23 фоизга кўтарилган) “Ўзбекистон фуқароларини тинглаш” (L2CU) лойиҳаси доирасида ўтказилган сўровлар тарихида энг юқори даражага етди. Ушбу кўрсаткич меҳнат бозоридаги ҳолат бўйича хавотирланишни ортда қолдириб, энг кўп қайд этилган хавотир бўлди. Нон ва ун нархларининг кўтарилиши алоҳида хавотирга сабаб бўлди. Уй хўжалиқларининг 80 фоиздан ортиғи 2020 йилнинг сўнгги ойларида ушбу маҳсулотларнинг нархлари сезиларли даражада ошганини маълум қилди. Маҳалла раисларининг қарийб 11 фоизи август ойида нархларнинг тез ва ноодатий ўсганини қайд этди. Нархлар октябр ойида деярли 59 фоизга ошиб, йил охирига келиб, 35 фоизгача тушди.



2020 йил давомида уй хўжалиқларининг молиявий аҳволи ёмонлашишда давом этди. Декабрь ойида уй хўжалиқларининг 65 фоизга яқини молиявий заҳирага эга эмаслигини қайд этган (бу ўтган йилга нисбатан 14 фоизга кўп). Ўзларининг молиявий ҳолати ёмонлашгани² тўғрисида хабар берган респондентларнинг улуши икки баравар кўпайиб, 24 фоиздан ошди. 2021 йил январ ойида уй хўжалиқларининг 12 фоиздан кўпроғи ўзларини «камбағал» деб таснифлади, бу кўрсаткич 2019 йилнинг ёзидан буюн энг юқориси ҳисобланади. Мавжуд заифликлар, аёллар бошчилигидаги уй хўжалиқларини эркаклар бошчилигидаги хўжалиқларга қараганда салбий иқтисодий таъсирларни енгиб ўтишга камроқ тайёрлайди. Гарчи иккала турдаги уй хўжалиқларида ҳам иш жойи ва пул ўтказмаларини йўқотиш кўрсаткичлари ўхшаш бўлган бўлса-да, пандемиядан олдин аёллар бошчилигидаги уй хўжалиқларининг ўртача ойлик даромади эркаклар бошчилигидаги хўжалиқлар даромадидан 240,000 сўмга кам эди. Декабрь ойида аёллар бошчилигидаги уй хўжалиқларининг атиги 58 фоизи 100 минг сўмлик фавқулудда харажатларни тўлай олиш имконияти борлигини айтган, бу кўрсаткич эркаклар бошчилигидаги уй хўжалиқларида 75 фоизга тенг бўлган.

Шу билан бирга, уй хўжалиқларининг иқтисодий барқарорлигининг баъзи кўрсаткичлари яхшиланди. Айтилишича 100,000 сўм (9,4 доллар) миқдоридagi фавқулудда харажатларни тўлай

² Олдинги икки йил билан таққосланганда




“Ўзбекистон фуқароларини тинглаш”

олмайдиган уй хўжаликларининг улуши 2020 йил май ойида 40 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда 27 фоизни ташкил этади.

Ижтимоий ёрдам

2020 йилнинг сўнги ойларида маҳалла раислари маҳаллий аҳолида ижтимоий ёрдамга эҳтиёж камайганлиги ва фуқаролар мурожаатларининг сони пасайганлиги ҳақида хабар беришган. Август ойида маҳалла қўмиталарининг 90 фоиздан кўпроғи ижтимоий ёрдамга оид янги аризаларни кўриб чиққанлар ва 70 фоиздан ортиғи шундай мурожаатларнинг сони ниҳоятда кўпайганлигини маълум қилган. Бу улуш кейинги ойлар давомида доимий равишда пасайиб борди ва 2021 йил январ ойида маҳалла қўмитаси раисларининг 37 фоиздан камроғи аризалар сони ниҳоятда кўп бўлганлигини қайд этишган. Ёш болали оилаларга (0-2 ёшгача) болаларни парвариш қилиш учун бериладиган нафақа учун янги аризаларни кўриб чиқиш август ойида маҳаллаларнинг 58 фоиздан 2021 йил январида 28 фоизгача тушган. Кам таъминланган болали оилалардан (2 ёшдан катта) нафақа сўраб янги аризалар билан мурожаат қилиш ҳудди шу вақт давомида 51 фоиздан 32 фоизга тушган. Кам таъминланган оилаларга бериладиган бошқа турдаги нафақалар учун аризалар (оилада болалар борлиги билан боғлиқ эмас) август ойида маҳаллаларнинг 56 фоиздан 2021 йилнинг январ ойида 21 фоизгача тушган. Август ойида маҳаллаларнинг 46 фоизда бошқа хайрия жамғармалари бўйича мурожаатлар кўриб чиқилган ва 2021 йилда бу кўрсаткич деярли нолга тушган.



Тахминан 5,2 миллион кишига апрел ойдан бери камида бир марта фавқулдда ёрдам кўрсатилган. Респондентларнинг деярли 16 фоизи пандемия бошланганидан бери ҳеч бўлмаганда бир маротаба тўғридан-тўғри ёрдам олишганини айтган. Ёрдамнинг аксарияти моддий ёрдам ёки ваучер (68 фоиз респондентлар) ёки бир марталик пул нафақаси (29 фоиз респондентлар) сифатида ажратилган. Шаҳарларда яшовчи респондентларнинг ёрдам олганлигини тасдиқловчи жавоби икки барабар кўп учрайди. Шу билан бирга, нафақаларнинг ярмидан кўпи аҳолининг энг камбағал 40 фоизи томонидан олинган. Қисқа муддатли қўллаб-қувватлаш эса кўп ҳолларда вақтинча ишини йўқотган ва даромадларига таъсир кўрсатган бошқа қийинчиликларга дуч келган уй хўжаликларига кўрсатилган. Умуман олганда, ёрдам олиш уй хўжаликларининг кам даромадларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, бу дастурлар асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож уй хўжаликларига йўналтирилганлиги таъкидланган. Аёллар бошчилигидаги уй хўжаликлари давлат томонидан янги кўмак кўрсатилганлигини кўпроқ қайд



Саволлар ёки шарҳлар билан Уильям Зейтца мурожаат қилшингиз мумкин:

wseitza@worldbank.org



“Ўзбекистон фуқароларини тинглаш”

этишган. Шу билан бирга, давлат томонидан янги кўмак олган, ногиронлиги мавжуд оила аъзолари бўлган уй хўжаликлари улушида фарқлар кузатилмаган.

Пандемия даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари тўғрисида сўралганда, маҳалла раислари кўпинча камбағалларнинг эҳтиёжи ошганлигини таъкидлаганлар. Уларнинг тахминан 56 фоизи камбағал одамлар, 42 фоизи кексалар ва 24 фоизи ногиронлиги бўлган одамларнинг эҳтиёжлари юқори бўлганлиги ҳақида хабар берганлар. Тахминан 9 фоизи аёллар орасида, 4 фоизи эса мигрантлар ва мамлакат ичида кўчирил шахсларнинг эҳтиёжлари ошганлигини таъкидлаган, деярли ҳеч ким этник озчиликлар орасида эҳтиёжлар ошганлиги ҳақида маълум қилмаган.

Миграция ва пул ўтказмалари

Пул ўтказмалари оладиган уй хўжалиklarининг улуши ошди, аммо 2019 йил даражасидан анча пастлигича қолмоқда. Апрель ойида бирон бир пул ўтказмасини оладиган уй хўжалиklarининг улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар қисқарган, май ойида бироз тикланиб, сентябр ойи давомида кўтарилишда давом этган. Пул ўтказмаларини олганлар орасида апрел ойида ўртача ўтказманинг қиймати 21 фоизга пасайган (сўмнинг инфляциясини ҳисобга олган ҳолда), аммо Россия рубли йўқолган мавқеини тиклагач, йил охирида ушбу кўрсаткич 2019 йилга ўхшаш даражада яқунланган.



Уй хўжалиklarининг жуда кичик қисми чет элда ишлайдиган оила аъзолари борлигини маълум қилган. Апрель ойида, аъзолари чет элда бўлган уй хўжалиklarининг улуши 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 3 фоиз даражага паст бўлди ва одатдаги меҳнат миграцияси мавсумининг қолган қисмида аввалги кўрсаткичлардан анча пастлигича сақланиб қолди. Ҳали ҳам чет элда бўлганлар орасида фаол бандлик даражаси 88 фоиздан апрел ойида 73 фоизгача тушиб кетди, йил охирига қадар бир неча маротаба қисман тикланиш ва пасайиш кузатилди. Пандемия бошланганидан сўнг, келажакда чет элга миграция қилиш имкониятини фаол кўриб чиқаётган оила аъзолари ҳақида хабар берган уй хўжалиklarининг улуши деярли нолга тушди.



Саволлар ёки шарҳлар билан Уильям Зейтца муурожаат қилшингиз мумкин:
wseitz@worldbank.org


“Ўзбекистон фуқароларини тинглаш”

2020 йил августдан 2021 йил январигача маҳалла раисларининг қарийб 42 фоизи халқаро мигрантларнинг COVID-19 тўғрисида ўз уйларига қайтиб келишганини хабар қилишган. Ушбу ҳолатларнинг ярмида маҳалла раислари 13 ёки ундан ортиқ халқаро мигрантларнинг ўз уйларига қайтиб келишгани ҳақида хабар беришган. Маҳалла раисларининг 10 дан 17 фоизигача бўлган қисми ишчиларнинг чет элга чиқиш имконияти йўқлигини энг долзарб маҳаллий иқтисодий муаммолардан бири сифатида қайд этишган. Меҳнат миграциясидан қайтиб келганлар сони қишлоқ жойларга қараганда шаҳарларда кўпроқ бўлган. Шу билан бирга, маҳалла раисларининг 45 фоиздан кўпроғи шу даврда уйига қайтган ички мигрантлар ҳақида маълум қилган. Сўровномага кўра, уларнинг катта қисми қишлоқ жойлардаги маҳаллаларга қайтган.


Озиқ-овқат хавфсизлиги

Озиқ-овқат истеъмолини камайтирганлиги тўғрисида хабар берган уй хўжаликларининг улуши апрел ойида 26 фоизга ўсган ва августгача шундай юқори даражада сақланиб турган. Йил охирига келиб бу кўрсаткич одатдаги даражага тушиб, ўз ҳолига қайтган.

Апрель-декабрь: Етарлича овқат сотиб ололмади



Апрель-декабрь: Бошқа асосий эҳтиёжларга тўлаш учун озиқ-овқатни камайтириш




Аёллар бошчилигидаги уй хўжаликлари озиқ-овқат етишмовчилигининг юқорироқ кўрсаткичлари ҳақида маълум қилишган. Май ойида бу турдаги уй хўжаликларининг 21 фоизи ўз оила аъзолари учун етарлича озиқ-овқат сотиб ололмагликларини айтган. Аёллар бошчилигидаги уй хўжаликлари одатда озиқ-овқат етишмовчилигининг юқори кўрсаткичлари ҳақида хабар берадиган бўлса-да, пандемия даврида бу фарқ ўртача 7 фоизгача ошди, 2019 йилнинг шу давридаги фарқ 4 фоиз бўлган.



Саволлар ёки шарҳлар билан Уильям Зейтца муурожаат қилшингиз мумкин:
wseitz@worldbank.org

“Ўзбекистон фуқароларини тинглаш”



Август ойида маҳалла раисларининг қарийб 40 фоизи маҳаллий аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласида жуда хавотирга тушган бўлса, 34 фоизи бироз ташвишга тушганлигини билдирган. 2021 йил январига келиб, бу рақамлар, тегишли равишда, 27 ва 47 фоизни ташкил этган. Эҳтимолий озиқ-овқат етишмовчилигидан хавотирга тушган маҳалла қўмитаси раисларининг улуши август ойидаги 4 фоиздан 2021 йил январи ойида деярли нолга тушган. Қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли шаҳарларда яшовчи аҳолига қараганда озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмовчилиги тўғрисида камроқ хавотирланишган. 2020 йил августидан 2021 йил январигача бўлган даврда нархлар ғайритабиий равишда кўтарилганлиги ҳақида хабар берган маҳалла раисларининг тахминан 30 фоизи ўсиш асосан озиқ-овқат маҳсулотлари нархларида кузатилганлигини қайд этган бўлса, уларнинг жуда кам қисми озиқ-овқат танқислиги ҳақида хабар берган.

Саломатлик ва субъектив фаровонлик

2020 йилнинг сўнги ойларида тиббий хизматдан фойдаланиш ва улардан қониқиш сезиларли даражада яшилди. Дори-дармонларни олишдаги кечикишлар ҳақида хабар берган уй хўжалиқларининг улуши июл ойидаги 5 фоиздан 2021 йил январига 2 фоиздан камроққача камайган. Тиббий ёрдам сифати ва ишончилигидан норозилик июлдаги 23 фоиздан, 2021 йил январ ойида 5 фоиздан камроққача тушган. Бирламчи шифокорларнинг қабулига ёзилиш билан боғлиқ кечикиш шу даврда 2 фоиздан аҳамиятсиз даражага тушган. Уй хўжалиқлари орасида худди шундай яшиланишлар даволанишни кутиш вақтида, тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва тиббий кўриқдан ўтишда ҳам қайд этилган. 2020 йил ноябр ойига келиб бирон бир хонадонда болаларга қарши эмлашлар кечиктирилгани ҳақида хабар берилмаган. Шунга қарамай, 2020 йилнинг иккинчи ярмида ўртача 18 фоиз уй хўжалиқларининг камида битта аъзоси даволаниш харажатлари сабабли у ёки бу турдаги касалликни даволаш учун мурожаат қила олмаган. Соғлиқни сақлаш хизматлари долзарб маҳаллий муаммо эканлиги ҳақида хабар берган маҳалла раисларининг улуши август ойидаги 21 фоиздан, 2020 йил охирида 39 фоизга ёки ундан ҳам кўпроққа кўтарилган.

COVID-19нинг соғлиққа таъсир қилиши билан боғлиқ хавотирлар йил охирида пасайган. Фуқаролар ҳам, маҳалла раислари ҳам камроқ ҳолларда ўзларига ёки ўз маҳаллалари аъзоларининг саломатлигига COVID-19нинг таъсиридан "жуда хавотирда эканликларини" қайд этишган. Бу кўрсаткич





Саволлар ёки шарҳлар билан Уильям Зейтца мурожаат қилшингиз мумкин:



wseitz@worldbank.org

“Ўзбекистон фуқароларини тинглаш”

фуқаролар орасида август ойидаги 60 фоиздан 2021 йил январ ойида 20 фоизгача тушганлиги кузатилган ва шу даврда маҳалла раислари ўртасида тахминан 50 фоиздан шунга ўхшаш даражагача тушгани аниқланган.



Сўровнома натижаларига кўра, инқироз даврида ҳаётдан қониқиш кўплаб ҳолатларда барқарор бўлган ва кўпчилик одамлар ўзларининг руҳий саломатлигини яхши ёки қониқарли деб таърифлашган. Ўзларининг ҳаётдан жуда норози бўлган фуқароларнинг улуши пандемия бошланганидан кейин 2 фоиздан кам ўсган ва инқироз давомида мўтадил даражада сақланиб қолган. Август ойида, уларнинг тахминан 8 фоизи ўтган ой ичида ҳеч бўлмаганда қайғуга тушганини ёки депрессияга тушганини қайд қилган, 2021 йил январиди эса бундай жавоблар улуши 3 фоизгача тушган. Йил охирига келиб, кундалик ҳаётда ва шахсий муносабатларда муаммолар туғдирадиган руҳий саломатлик ҳақида камдан-кам ҳолларда қайд этилган. Июл ойида одамларнинг қарийб 40 фоизи COVID-19 билан боғлиқ хавотирларни сўнгги икки ҳафта ичида энг катта хавотир деб аташган. Аммо январ ойига келиб, бу кўрсаткич 11 фоизга тушиб кетган, иқтисодий муаммолар ташвиши эса юқорига кўтарилган (июлдаги 13 фоиздан 2021 йил январ ойида 37 фоизгача кўтарилган).





Саволлар ёки шарҳлар билан Уильям Зейтца муурожаат қилшингиз мумкин:
wseitz@worldbank.org

“Ўзбекистон фуқароларини тинглаш”

Бироқ, ногиронлиги бор одамлар ва аёллар бошқаларга қараганда руҳий саломатлиги ёмонлашгани ҳақида кўпроқ хабар беришган. 2020 йил июлдан декабргача ногиронлиги бор одамларнинг 51 фоизи ўзларининг руҳий саломатлигини "қониқарли" ёки "ёмон" деб баҳолаган бўлса, ногиронлиги йўқ одамларнинг 43 фоизи руҳий саломатлигини "яхши", "жуда яхши" ёки "аъло" деб тавсифлаган. Август ойида бу кўрсаткич энг юқори чўққисига чиқди, ўша ойда ногиронлиги бор одамларнинг 61 фоизи ўзларининг руҳий саломатлигини фақат "қониқарли" ёки "ёмон" деб баҳолаган. Худди шундай фарқ аёл респондент ва эркак респондентлар ўртасида ҳам кузатишган: аёлларнинг тахминан 55 фоизи август ойида ўз руҳий саломатлиги ҳақида "қониқарли" ёки "ёмон" деб хабар беришган.

Таълим

Таълимдаги ўзилишлар пандемия бошланганидан 2020 йил охиригача давом этди, шу вақтнинг ўзида болаларни "яхши таълим" билан таъминлаш борасидаги хавотирлар кучайиб борди. Таълимдаги ўзилишлар пайтида болаларнинг аксарияти ҳукумат томонидан ташкил қилинган телевизион дастурлар бўйича ўқиган (87 фоиз), атиги 13 фоизи эса бошқа воситалардан фойдаланишган. Қарийб барча тарбиячилар вақтинчалик дастурлардан мўътадил даражада ёки жуда мамнун эканликларини билдирмоқдалар, аммо энг юқори даромадга эга уй хўжаликлари ўз фарзандларининг бундай таълим олиш имкониятларидан мамнун эканликларини камроқ ҳолатларда билдиришган.



Пандемияга алоқадор профилактика чора-тадбирлари ва ахборот



Маҳалла раисларининг 80 фоиздан 90 фоизгача қисми COVID-19 туфайли маҳаллий аҳолига эҳтиёт чораларини кўришни тавсия қилганликларини хабар қилишган. Ниқоб тақиш энг кўп тарқалган чора (97 фоиз) ва маҳалла раисларининг 70 фоизга яқини, ўз маҳаллаларида жамоат жойларига боришда деярли ҳар бир киши одатда ниқоб таққан ҳолда юришини айтган. Кейинги энг кенг тарқалган тавсия ижтимоий масофага риоя қилиш (95 фоиз) бўлган, 76 фоизга яқини қўл ювишни тавсия қилган, 71 фоизи эса одамларга саломлашиш вақтида қўл бериб саломлашмасликни тавсия қилган.



Саволлар ёки шарҳлар билан Уильям Зейтца муурожаат қилишингиз мумкин:
wseitza@worldbank.org

“Ўзбекистон фуқароларини тинглаш”

Пандемия вужудга келганидан бери уй хўжаликлари коронавирус тарқалишининг олдини олиш учун ўзларининг хатти-ҳаракатларида жуда ўхшаш устуворлик ҳақида хабар беришган. Респондентларнинг деярли барчаси ниқоб тақишга нисбатан хатти-ҳаракатлари ўзгарганлигини ва 82 фоизи ижтимоий масофага риоя қилишини айтган.



Респондентларнинг катта қисми ўтган ҳафтада ҳукуматнинг COVID-19 билан боғлиқ расмий эълонларини эшитганлигини хабар қилишган. Пандемия вужудга келганидан сўнг, респондентларнинг ўртача 78 фоизи COVID-19 тўғрисидаги расмий эълонлар билан шахсан танишиб чиққанлиги ҳақида хабар берган. Деярли барча ахборотнинг асосий манбаси сифатида телевидениени кўрсатган. Жуда кам одамлар расмий эълонларни газеталардан ўқиганлиги, радио ёки шахсан одамлардан эшитганлиги ҳақида хабар берганлар. Ўртача, респондентларнинг 55 фоизга яқини маҳалла мутасаддиларидан COVIDга тегишли кўрсатмалар олганликларини билдирганлар.



Саволлар ёки шарҳлар билан Уильям Зейтца мурожаат қилшингиз мумкин:
wseitza@worldbank.org